

# **Миллий гвардиячилар учун тарғибот тадбири**



Миллий гвардиянинг Термиз туманидаги Қўриқлаш бўлинмаси ходимлари учун туман Адлия бўлими ва Давлат хизматлари маркази томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлиланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Туман Адлия бўлими бошлиғи Баҳодир Ашурев тадбир иштирокчиларига йўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конститутивий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти тўғрисида ахборот берди. Иштирокчиларнинг саволлари батафсил жавоб берилди.

Бу каби тарғибот тадбирлари ҳар бир соҳада, аҳолининг турли қатламларида олиб борилмоқда. Тарғибот тадбирларида фуқаролардан сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган ҳолда ўз келажагига бефарқ эмасликларини кўрсатишлари лозим.

**Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**